

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ШОМАНСУРОВА НОДИРА САИДОРИПОВНА**

**СУТ БЕЗЛАР САРАТОН ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИ ДАВО  
ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШДА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шомансурова Нодира Саидориповна**

Сут безлар саратон олди касалликлари даво

тактикасини танлашда молекуляр-генетик

асослари..... 3

**Шомансурова Нодира Саидориповна**

Молекулярно-генетические основы в выборе

тактики лечения предраковых заболеваний

молочных желез..... 25

**Shomansurova Nodira Saidoripovna**

Molecular genetic bases in selection precancerous

disease treatment strategies mammary glands..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ШОМАНСУРОВА НОДИРА САИДОРИПОВНА**

**СУТ БЕЗЛАРИ САРАТОН ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИ ДАВО  
ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШДА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

## ТОШКЕНТ – 2023

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.Phd/Tib1835 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилида (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Бобоев Кодиржон Тухтабоевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарканд давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.А. Гафур-Ахунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис  
уринбосари,  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлар доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг реферати)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сут беzi саратони сўнги 20 йил ичида дунё бўйлаб аёллар онкологик касалликлари ва ўлим кўрсаткичлари ичида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ҳар йили дунёда 1,5 млн дан ортиқ сут беzi саратонининг янги ҳолатлари қайд этилади. Сут беzi диффуз дисгормонал яхши сифатли касалликлари (СБДК) сут беzi саратони (СБС) ривожланишининг муҳим таркибий қисми саналади. Сут беzi саратони билан касалланиш кўрсаткичи юқори давлатларда СБДК тарқалиш даражаси ҳам юқори. Статистика маълумотларига кўра, «...сут беzi дисгормонал касалликлари 50-60% аёлларда аниқланса, 1 ва 2 босқич сут беzi саратони эса 57,6% аёллардагина аниқланиб, ташхис қўйилган вақтдан бошлаб бир йил ичидаги ўлим кўрсаткичи 12,6% ни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда сут беzi саратони билан касалланиш даражасини камайтиришга қаратилган истиқболли йўналиш иккиламчи профилактика, яъни сут беzi саратон олди касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш ҳисобланади. Шунингдек, молекуляр-генетик ёндашувга асосланган янги ташхис усулларини татбиқ этишнинг муҳим йўналиши дифференциал ташхиснинг янги тизимларини яратиш ва нохуш прогностик гуруҳларни ажратиб олиш саналади. Даволаш амалиётига сут беzi пролифератив дисплазиялари патогенезининг ўзига хосликларини ҳосибга олувчи, давомли терапевтик самарага эришишга, аёл организмга бўлган дори юкласини камайтиришга, саратон олди касалликларининг рецидив ва малигнизация кўрсаткичларини пасайтиришга қаратилган янги замонавий усулларни киритиш зарурати кузатилмоқда.

Жаҳонда сут безлар саратон олди касалликлари даво тактикасини танлашда молекуляр-генетик асослари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган беморларда ёмон сифатли жараённи эрта ташхислаш ва башоратлаш учун эстроген, прогестерон рецепторлари ва генетик маркерлар (Ki-67, mtp -53,) даражасини баҳолаш ва солиштириш, сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган беморларда CD3+,CD4+,CD8+,CD20+ Т-лимфоцитлар дифференция-сини кластерлари даражаси, *in situ* босқичидаги сут беzi касаллиги, ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган беморларда морфологик мезонлар корреляцион таҳлилини ўтказиш, молекуляр-генетик текширув натижаларига асосланган ҳолда, сут беzi ўсма олди касалликлари даволаш алгоритминини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни, эрта ташхислаш ва самарали даволаш йўналтирилган чоратадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга

---

<sup>1</sup> Litton J., Rugo H.S., Ettl J. et al. EMBRACA: A phase 3 trial comparing talazoparib, an oral PARP inhibitor, to physician's choice of therapy in patients with advanced breast cancer and a germline BRCA mutation. Cancer Res 2018;P 78(4 Suppl):abstr. GS6-07

оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сут безлар саратон олди касалликлари даво тактикасини танлашда молекуляр-генетик асосларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомил-лаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сут бези саратонини ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунё бўйлаб кўплаб илмий марказларда амалга оширилмоқда (The national cancer институти Миланда, Италия, Munster multidisciplinary cancer center, Германияда, West German cancer center; Cancer center Anderson, USA). СБС ни ташхислаш самарадорлигини ошириш, шунингдек хавфли сифатли неоплазияларни даволаш ва прогнозлашнинг янги самаралироқ усуллари татбиқ этиш бўйича муҳим илмий натижалар Россиянинг етакчи онкологик ташкилотларида олинган бўлиб, масалан Блохин номидаги РОИМ (Москва) да сўнгги йигирма йиллик мобайнида беморларнинг дунёдаги энг йирик клиник маълумотлари тўпланган. Н.Н. Петров номидаги онкология ИТИ (Санкт-Петербург) нинг «Ўсмалар биологияси» бўлимида ирсий ўсма синдромлари борасида тадқиқотлар олиб борилиб, шунингдек онкомаркерлар ва генлар полиморфизмининг онкопатологияларнинг ирсий ва спорадик шаклларида тутган ўрни ўрганилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тиббий муассасалари негизида молекуляр генетиканинг янги усулларини қўллаш ёрдамида генетик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўсмаларнинг молекуляр-биологик хусусиятларини ўрганиш асосида маълум молекулалар ва жараёнларга бевосита таъсир этувчи даволашнинг янги стратегияси яратилмоқда. Молекуляр биология, генетика, биохимия, иммунологиядаги шиддатли кашфиётлар ва ютуқлар туфайли сут беши касалликларининг молекуляр-биологик табиати ҳақидаги тасаввурларни янада кенгайтиришга ва ўсмалар ўсишининг патогенетик механизмларини чуқурроқ англашга эришилди (Киселев В.И., Сидорова И.С, 2011). Амалга оширилган кўп сонли эпидемиологик изланишлар СБС хавф омиллари ва сут безлари дисгормонал касалликлари (СБДК) ўртасидаги мосликни, ҳамда СБДК негизида СБС хавфининг ортисини тўлақонли исботлаб бердилар (Visscher D.W, Nassar A.,2014). Ҳаттоки туғруқлар сони кўп бўлган ва узок вақт эмизган аёлларнинг энг ҳимояланган когортасида бу яхши сифатли касалликлар ҳар бешинчи бемор аёлда аниқланади. Ўғрик ва мастопатиянинг бошқа белгилари бемор аёлларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради. Тугунли мастопатия сут безининг кенг тарқалган патологиясидир. Маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда бу касаллик атамасига оид ягона фикр йўқ. Хорожий адабиётларда кўпинча сут безининг яхши сифатли касаллиги атамаси ишлатилади. Маҳаллий адабиётларда одатда фиброаденоматоз ёки сут безининг дисгормонал гиперплазияси атамалари қўлланилади. Қатор муаллифлар тугунли мастопатия, сут беши фиброаденомаси атамаларидан фойдаланишади (Schultz W., 2017). Тугунли мастопатия ривожланишига репродуктив функциянинг ва сексуал ҳаётнинг издан чиқиши, гормонал бузилишлар, моддалар алмашувининг издан чиқиши, гинекологик касалликлар, турли орган ва системаларнинг сурункали касалликлари, психологик омиллар, генетик ўзгаришлар, ташқи муҳит ва ҳаёт тарзи омиллари таъсир этиши мумкин (Цвелев, Ю.В., 2017). Бироқ бугунги кунда кўплаб муаллифлар бу муаммони ўрганаётиб, бу ўзгаришларни норма варианты деб ҳисоблаш мумкин эмас деган ҳулосага келдилар. Ҳозирда сут безининг саратон бўлмаган касалликларига гормонал ва тўқима барқарорлигининг бузилиши, ҳамда онкологик оғоҳлик омили деб қараш зарур. Сут безининг яхши сифатли касалликларини фаол аниқлаб ва даволаб, шу йўл билан аёлларга яхши ҳаёт сифатини таъминлаш ва ўз вақтида онкопрофилактикани амалга ошириш лозим. Иммуногистокимё усули (ИГК) фақатгина сут беши саратон олди касалликларининг гистогенетик ўзига хосликларини, гормонал рецепторлар экспрессиясини, турли онкопротеинларни, пролифератив фаолликни аниқлаш имконини берибгина қолмай, балки минимал инвазия мавжудлигини аниқлаб, аксарият ҳолларда касаллик прогнозини сезиларли ўзгартира олади. Шу боис ИГК усули сут беши интраэпителиал неоплазияларини ўрганишда тадқиқотчилар томонидан кенг қўллана бошлади. Бир тарафдан ўсманинг поликлонал табиати ва стероид гормонлар рецепторлари экспрессиясининг циклик ўзгаришлари ўсманинг гиперпластик табиатидан далолат берса, бошқа тарафдан пролифератив фаоллик даражасининг циклик жараёнларга боғлиқ эмаслиги

ва сут беши саратонига хос бўлган механизмларнинг фаоллашуви неопластик таркибий қисм ҳисобланади (Hagoon S., Hashmi AA., et al. 2013).

Мамлакатимизда турли этиологик хусусиятларга эга бўлган онкологик касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш борасида қатор илмий-тадқиқот олиб борилмоқда (М.Н.Тилляшайхов, 2022, М.Д.Джураев, А.Н.Абдихақимов, 2022; Гилдиева М.С., 2017; 2020) бироқ, сут безлар саратон олди касалликлари даво тактикасини танлашда молекуляр-генетик асослари таҳлил қилинмаган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, сут беши дисгормонал касалликлари бўлган беморларда сут беши саратони ривожланиши хавф даражасини баҳолашда сут беши тўқимасининг молекуляр-генетик текшируви ҳал қилувчи ҳисобланади. Шу сабабли, фақатгина ташхислашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш эмас, балки молекуляр-биологик усулларни қўллаш билан сут беши дисгормонал касалликлари кечишини башоратлаш имкониятлари кенгроқ кўламда долзарб муаммо ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ССВ-Ф-028 «Бирламчи кўплаб хавфли ўсмаларни пайдо бўлиш механизмларини ўрганишда молекуляр-генетик ва иммунологик маркерларнинг аҳамияти (2017-2020 йй.)» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** молекуляр-генетик ва биологик маркерлар миқдорининг ўзгариш йўли билан сут беши ўсма олди ва ўсма касалликларини ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сут беши ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган беморларда ёмон сифатли жараённи эрта ташхислаш ва башоратлаш учун эстроген, прогестерон рецепторлари ва генетик маркерлар (Ki-67, mtp -53,) даражасини баҳолаш ва солиштириш;

сут беши ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган беморларда CD3+, CD4+, CD8+, CD20+ Т-лимфоцитлар дифференциясини кластерлари даражасини баҳолаш;

in situ босқичидаги сут беши касаллиги, ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган беморларда морфологик мезонлар корреляцион таҳлилини ўтказиш;

молекуляр-генетик текширув натижаларига асосланган ҳолда, сут беши ўсма олди касалликлари даволаш алгоритмини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2022 йилларда бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг онкомамология бўлимида стационар шароитида даволанган 90 нафар даволанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сут беши саратон олди касалликларининг даволаш тактикасини танлашда молекуляр-генетик асосларини баҳолашда



сут беги саратонида сут безининг рентгенографик материаллари, сифатида сут беги ҳосиласидан трепан биопсия ёрдамида олинган материал, периферик қон, архив маълумотларини таҳлил материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда сут беги саратон олди касалликларининг даволаш тактикасини танлашда молекуляр-генетик асослари таҳлил қилишда клиник, морфологик, иммуногистокимёвий, иммунологик, молекуляр-биологик, инструментал, генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

молекуляр биологик тадқиқотлар асосида Ki-67, mtp-53 генлари спектри, CD3+, CD4+, CD8+, CD20+ Т-лимфоцитлар дифференция кластерлари, ЭР, ПР рецепторларидан иборат сут безлари касалликларини тахмин қилиш ва беморларга консерватив терапия ёки жарроҳлик даволашни генетик панелдан фойдаланишлигини исботланган;

фиброз кистоз мастопатия тугун шаклида Ki-67 антигенининг ижобий ёки ўртача ифодаси билан, ЭР ёки ПР нинг салбий ҳолати, салбий ёки ўртача CD8+ реакцияси, ижобий CD4+ реакцияси, CD20+ нинг юқори даражаси бўлган беморларга жарроҳлик амалиёт ўтказиш зарурлигини исботланган;

карцинома in situ беморларда ўсманинг тўқмаларида юқори даражада пролиферацияси ҳамда апоптознинг ингибирланиши даражаси исботланган;

фиброз кистоз мастопатиянинг тугунли шаклида ER+, PR+, Ki67 нинг паст даражаси, CD8+нинг юқори даражаси, CD4+ ва 20+кластерларнинг салбий реакцияси кузатилган ҳолатда консерватив йўли билан даволашнинг ўрни ва аҳамияти исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

беморларнинг меҳнатга лаёқатли бўлган даврини узайтириш имконини берувчи сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларининг инновацион ташхис ва даво алгоритмларини яратиш ва тиббиёт амалиётига кенг қўламда татбиқ этилган;

Ki-67 оксиленинг ўртача экспрессиясига эга бўлган бемор аёллар гуруҳида динамик назорат олиб борилган;

гормонал ва иммуногистокимёвий ҳолат кўрсаткичларининг аниқланиши сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларини ташхислашга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш;

генетик панелнинг ташхис комплексига киритилиши ташхислашнинг умумий самарадорлигини оширган;

касаллик кечишини модификация қилиш имконини берувчи унинг прогнозини яхшилаш ва/ёки тубдан ўзгартириш стратегияси таклиф этилган;

ўрганилган патологияларни даволашга коррекцияловчи давони ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашув беморларнинг ҳаёт сифати ва узоқлашган натижалари яхшиланган;

ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштирилган алгоритми эрта ташхис қўйиш, нохуш прогностик гуруҳларни ажратиб олиш, молекуляр-генетик текширув натижаларини ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини

ўзгартириш, ногиронликлар сонини қисқартириш, касалхонада ўтказиладиган даврни қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, морфологик, иммуногистокимёвий, иммунологик, молекуляр-биологик, инструментал, генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида сут беги саратон олди касалликларининг даволаш тактикасини танлашда молекуляр-генетик асосларини таҳлил қилишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки Ki-67, mtp-53 генлари спектри, CD3+, CD4+, CD8+, CD20+ Т-лимфоцитлар дифференциацияси кластерлари, ЭР, ПР рецепторларидан иборат генетик панелдан фойдаланиш ва уларнинг экспрессияси даражасини аниқлаш сут безлари касаллигини прогнозлаш, даво тактикасини ўзгартириш, беморларга қўшимча коррекцияловчи даволаш тайинлаш имконини бериши, генетик панелнинг ташхис комплексига киритилиши ташхислашнинг умумий самарадорлигини қиёслашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларини эрта ташхислашни сифат жиҳатдан яхшилаш имконини беради. Сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларини баҳолашда текширувларнинг замонавий диагностик имкониятларидан фойдаланиш ва молекуляр-биологик ҳамда молекуляр-генетик маркерлар даражасини аниқлаш хавф гуруҳларини ажратиб олиб, келгусида даво тактикасини аниқлаш имконини беради. Сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларини ташхислаш алгоритмининг даволаш тактикасини танлашга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш амалиётдаги шифокорларга беморлар ҳаётини индивидуал прогнозлашда кўмак берганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиши.**

РИО ва РИАТМ эксперт кенгашининг 2023 йилдаги 11 июльдаги №3 сон хулосасига кўра:

**1-Илмий янглик. Илмий янгиликнинг моҳияти** молекуляр биологик тадқиқотлар асосида Ki-67, mtp-53 генлари спектри, CD3+, CD4+, CD8+, CD20+ Т-лимфоцитлар дифференция кластерлари, ЭР, ПР рецепторларидан иборат сут безлари касалликларини тахмин қилиш ва беморларга консерватив терапия ёки жарроҳлик даволашни генетик панелдан фойдаланишлигини исботланган, шунингдек, уларнинг даражасини ифодалаш, сут безлари касалликларини тахмин қилиш ва беморларга консерватив терапия ёки жарроҳлик даволашни буюриш имконини беради.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки Ki-67, mtp-53 генлари спектри, CD3+, CD4+, CD8+, CD20+

T-лимфоцитлар дифференциацияси кластерлари, ЭР, ПР рецепторларидан иборат генетик панелдан фойдаланиш ва уларнинг экспрессияси даражасини аниқлаш сут безлари касаллигини прогнозлаш, даво тактикасини ўзгартириш, беморларга қўшимча коррекцияловчи даволаш тайинлаш имконини беради.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Сут бези саратон олди касалликларининг даволаш тактикасини танлашда молекуляр-генетик асосларини таҳлил қилиш натижалари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиалининг клиник амалиётига жорий қилинган.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

- фиброз кистоз мастопатия тугунли шаклини организм даражасидаги гормонал носозлик ва сут бези тўқимасидаги маҳаллий носозлик биомаркери деб ҳисоблаш мумкин;

- аёл организмидаги гормонал мувозанатни издан чиқарувчи кўплаб омилларни қисқартириш орқали гиперестрогения ва сут бези тўқимасидаги эпителий гиперпролиферациясини олдини олиш мумкин;

- молекуляр биологик тадқиқотлар орқали генларнинг туғма ёки орттирилган патологияларида сут безида саратон ривожланишини олдиндан айтиш имконияти мавжуд.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: молекуляр-генетик текширув натижаларини ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини ўзгартириш беморларнинг касалхонада ўтказиладиган даврини қисқартириш имконини беради. Бунинг натижасида фақатгина беморнинг стационарда бўлиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириш йилига 700 000 000 сўм иқтисодий самара беради. Тадқиқот натижаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тўғрисида олинган маълумотлари РИОваРИАТМ Илмий кенгашида муҳокама қилиш асосида РИОваРИАТМ ҳузуридаги экспертлар кенгашининг хулосаси олинди.

**Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:** Илмий инновацияларни бошқа тиббий ихтисослаштирилган муассасаларда жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 26 декабрдаги 8н-Р/13/8-сонли “Ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёллар сут бези тўқимаси намуналарида гормонал рецепторлар экспрессиясини идентификация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган.

**2-Илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти** фиброз кистоз мастопатия тугун шаклида Ki-67 антигенининг ижобий ёки ўртача ифодаси билан, ЭР еки ПР нинг салбий ҳолати, салбий еки ўртача CD8+ реакцияси, ижобий CD4+ реакцияси, CD20+ нинг юқори даражаси бўлган беморларга жарроҳлик амалиёт ўтказиш зарурлигини исботланган;

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Фиброз кистоз мастопатия тугунли шаклида 12,5% аёлларда Ki-67 юқори пролифератив фаоллиги аниқланган, Ki-67 нинг ўртача экспрессияси эса 71,8% аёлларда кузатилган. C-r in situ бўлган 100% аёлларда ва 28,6% сут бези фиброаденомаси бўлган беморларда

Ki-67 ning ўртача экспрессияси топилган, яъни бу аёлларда хужайралар пролифератив потенциалга эга бўлиб, қолган ҳолатларда эса ўсма хужайралари пролиферацияси меъёрий тўқималар даражасида бўлган. Карцинома in situ ҳолатида беморларнинг ўсма тўқималарида кучли пролиферация ва паст даражадаги апоптоз кузатилган. Генетик панелнинг ташхис комплексига киритилиши ташхислашнинг умумий самарадорлигини қиёслашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий натижалар асосида «Ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёллар сут беги тўқимаси намуналарида гормонал рецепторлар экспрессиясини идентификация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиалининг клиник амалиётга жорий қилинган.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар солиштирма таҳлили шунинг кўрсатдики, ижтимоий маънае бўйича барча гуруҳларда уй бекаларида ва оилавий аҳолига кўра кўпроқ оилали аёлларда учраши аниқланди.

- таклиф этилаётган алгоритм аниқлик билан ташхис қўйиш, яхши сифатли жараёни ёмон сифатлидан ажратиш имконини беради;

- сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларида беморларнинг меҳнатга лаёқатли бўлган даврини узайтириш имконини берувчи инновацион ечим таклиф қилинган.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ўрганилган патологияларни даволашга коррекцияловчи давони ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашув беморларнинг ҳаёт сифати ва ногиронликлар сонини қисқаришига олиб келади. Бунинг натижасида йилига 5 670 000 000 сўм иқтисодий самара кузатилади. Тадқиқот натижаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тўғрисида олинган маълумотлари РИОваРИАТМ Илмий кенгашида муҳокама қилиш асосида РИОваРИАТМ хузуридаги экспертлар кенгашининг хулосаси олинди.

**Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:** Илмий инновацияларни бошқа тиббий ихтисослаштирилган муассасаларда жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 26 декабрдаги 8н-Р/13/8-сонли “Ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёллар сут беги тўқимаси намуналарида гормонал рецепторлар экспрессиясини идентификация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган.

**3-Илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти** карцинома in situ беморларда ўсманинг тўқмаларида юқори даражада пролиферацияси ҳамда апоптознинг ингибирланиши даражаси исботланган **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** Сут беги ўсма олди ва ўсма касалликларини баҳолашда текширувларнинг замонавий диагностик имкониятларидан фойдаланиш ва молекуляр-биологик ҳамда молекуляр-генетик маркерлар даражасини

аниқлаш хавф гуруҳларини ажратиб олиб, келгусида даво тактикасини аниқлаш имконини беради. Сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликларини ташхислаш алгоритминини ва даволаш тактикасини танлашга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш амалиётдаги шифокорларга беморлар ҳаётини индивидуал прогнозлашда ёрдам беради.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** гормонал ва иммуногистокимёвий ҳолат кўрсаткичларининг аниқланиши сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликларини ташхислашга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш имкониятини яратган. Генетик панелнинг ташхис комплексига киритилиши ташхислашнинг умумий самарадорлигини оширган.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

- саратон олди касалликларининг рецидив ва малигнизация кўрсаткичларини пасайтиришга қаратилган янги замонавий усулларини киритилиши;

- даволаш амалиётига сут беzi пролифератив дисплазиялари патогенезининг ўзига хосликларини ҳисобга олиб, аёл организмига бўлган дори юкламасини камайтириш;

- аёл организмидаги гормонал мувозанатни издан чиқарувчи кўплаб омилларни қисқартириш орқали гиперестрогения ва сут беzi тўқимасидаги эпителий гиперпролиферациясини олдини олиш мумкин.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштирилган алгоритми эрта ташхис қўйиш, нохуш прогностик гуруҳларни ажратиб олиш имконини беради. Бунинг натижасида фақатгина беморнинг стационарда бўлиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириш йилига 700 000 000 сўм иқтисодий самара беради. Тадқиқот натижаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тўғрисида олинган маълумотлари РИОваРИАТМ Илмий кенгашида муҳокама қилиш асосида РИОваРИАТМ ҳузуридаги экспертлар кенгашининг ҳулосаси олинди.

**Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:** Илмий инновацияларни бошқа тиббий ихтисослаштирилган муассасаларда жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 26 декабрдаги 8н-Р/13/8-сонли “Ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёллар сут беzi тўқимаси намуналарида гормонал рецепторлар экспрессиясини идентификация қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган.

#### **4-Илмий янгилик. Илмий янгиликнинг моҳияти:**

фиброз кистоз мастопатиянинг тугунли шаклида ER+, PR+, Ki67 нинг паст даражаси, CD8+нинг юқори даражаси, CD4+ ва 20+кластерларнинг салбий реакцияси кузатилган ҳолатда конерватив йўли билан даволашнинг ўрни ва аҳамияти исботланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** C-r in situ да CD20+, CD4+ нинг юқори лимфоид инфильтрацияси, CD8+ нинг ўртача экспрессияси заминида кузатилиб, жуда оз литик фаолликни исботлайди. Сут беzi C-r in situ да ўсма

тўқимасида энг кўп учрайдиган лимфоцитлар тури пролифератив фаолликка эга бўлган CD4+ ва CD20+ Т-лимфоцитлардир. Сут беши ўсма олди ва ўсма касалликларини ташхислаш алгоритмини ва даволаш тактикасини танлашга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш амалиётдаги шифокорларга беморлар ҳаётини индивидуал прогнозлашда ёрдам беради.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши юқори ва ўртача интратуморал экспрессияга эга CD3+ лимфоцитлар экспрессияси мавжуд эмаслиги CD4+ мос равишда 22% ва 37,5%, юқори ва ўртача экспрессияли CD8+ нинг устунлиги эса 25% дан 44%, интратуморал CD20+ фиброз мастопатия тугунли шаклига эга аёлларнинг 50% намуналарида, бу В-лимфоцитларнинг жуда оз лимфоид инфильтрацияси юзага келиши, фиброаденомаси бўлган аёлларнинг ўсма тўқималарида устунлик қилувчи Т-цитотоксик лимфоцитларнинг яққол литик фаоллиги кузатилиши сут беши саратонининг олдини олиш ва эрта баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва ҳаёт сифатини ошириш имкони берган.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат:

- фиброз кистоз мастопатия тугунли шаклини организм даражасидаги гормонал носозлик ва сут беши тўқимасидаги маҳаллий носозлик биомаркери деб ҳисоблаш мумкин;

- сут беши ўсма олди ва ўсма касалликларида беморларнинг меҳнатга лаёқатли бўлган даврини узайтириш имконини берувчи инновацион ечим таклиф қилинган.

- беморларнинг умр кўриш давомийлиги 75% гача ошади.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: таклиф этилган касаллик кечишини модификация қилиш имконини берувчи ҳамда унинг прогнозини яхшилаш ва/ёки тубдан ўзгартириш стратегияси иқтисодий самара беради. Бунинг натижасида йилига 600 000 000 сўм иқтисодий самара кузатилади. Тадқиқот натижаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тўғрисида олинган маълумотлари РИОваРИАТМ Илмий кенгашида муҳокама қилиш асосида РИОваРИАТМ ҳузуридаги экспертлар кенгашининг хулосаси олинди.

**Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:** Илмий инновацияларни бошқа тиббий ихтисослаштирилган муассасаларда жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022-йил 26 декабрдаги 8н-Р/13/8-сонли “Ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёллар сут беши тўқимаси намуналарида гормонал рецепторлар экспрессиясини идентификация қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сут беzi ўсма ва ўсма олди касалликларининг кўп омилли таҳлилининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи боби ўрганилаётган муаммога бағишланган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили берилган. Сут беzi саратони (СБС)нинг эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш бўйича хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар ишларининг таҳлили келтирилган. Турли муаллифлар маълумотларига кўра шу маълумки, сут беzi саратони бўлган беморларнинг интратуморал лимфоцитлари субпопуляцион таркиби айниқса дифференциал диагностика мақсадида муҳим клиник аҳамиятга эга. Операбел саратон ҳолатида ушбу маълумотлар асосида яхши ва нохуш прогнозли бемор аёллар гуруҳларини ажратиб олиш мумкин ўрганилаётган муаммони эрта ва аниқлашда хасталикни молекуляр-генетик асосларини яхшилашга принципиал ёндашув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Сут беzi саратон олди касалликларининг даволаш тактикасини танлашда молекуляр-генетик асосларини комплекс даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник тавсифи ҳақида маълумотлар берилган.

Ушбу бобда тадқиқотнинг материал ва усуллари батафсил баён этилган. Белгиланган вазифаларни бажариш учун 90 нафар аёллар текширувдан ўтказилган. Сут беzi саратони ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, прогнозлаш ва келгусида профилатиканинг комплекс чораларини ишлаб чиқиш мақсадида ФКМ тугунли шакли, сут беzi фиброаденомаси ва сут беzi C-r in situ ташхисига эга аёл беморлар ўрганилди.

Беморлар ёши 16 дан 69 ёшгача бўлиб, беморларнинг ўртача ёши 42,5 ±1,1 ёшни ташкил этди. Барча беморлар уч гуруҳга ажратилди. Улардан фиброз-кистоз мастопатиянинг тугунли шакли 32 нафар беморда учради – I гуруҳ. II гуруҳни фиброаденома ташхисига эга 28 нафар бемор ташкил этди. III гуруҳга C-r in situ ташхиси бўлган 30 нафар беморлар киритилди.

1-жадвал.

**Беморлар ташхисига қараб тақсимлаш тартиби**

Гуруҳ/ ёш	Беморлар сони, n-90	%
1 гуруҳ -ФКМ тугун шакли, 27 дан 62 ёш	32	35,6
2 гуруҳ –фиброаденома 16 дан 44 ёшгача	28	31,1
3 гуруҳ-с-r in situ 31 дан 69 ёшгача	30	33,3

Текширувнинг ташхислаш босқичи стандарт ҳажмдаги беморларни текширувдан ўтказишнинг клиник-инструментал усулларини ўз ичига олди. У беморлардан анамнестик маълумотларни тўплаш, кўриқдан ўтказиш, қон ва сийдикнинг умумий таҳлиллари, қоннинг биокимёвий таҳлили, ЭКГ, флюорография, сут безларининг ультратовуш текшируви ва икки проекцияда маммографияси, қўлтиқ ости, ўмров усти ва ўмров ости лимфатик тугунлари, кичик чаноқ аъзолари ва жигарнинг ултратовуш текшируви, сут бези ўсма тўқимасининг гистологик ва иммингистокимёвий текширувларидан иборат эди.

**Бемор аёлларни кўриқдан ўтказиш ўз ичига стандарт усул бўйича кўриқдан ўтказиш ва сут безини пальпация қилишни олади.** СТни кўриқдан ўтказишда унинг шакли, ўлчами, симметриклиги, тери қопламасининг ҳолати (ранги, шишнинг мавжудлиги, яра хосил бўлиши, терини бир текислиги) баҳоланди. Сут безлари пальпация қилинганида сут безларининг симметриклиги, терининг эластиклиги, зичлашиш ўчоқлари, чуқурча ёки дўмбоқчаларнинг мавжудлиги, оғриқлилиқка эътибор қаратилди.

Хосила ўлчамларини аниқлаш учун барча беморларда аниқ вақт режимида «Toshiba» фирмасининг «JAL 77A» эхотомоскоп аппаратида СТнинг УТТси ўтказилди. УТ текшириш усули РОваРИИАТМнинг ультратовушли ташхислаш бўлими томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга мос ҳолда ўтказилди. Беморлардаги УТТ текширишлар хосилани мос ҳолда баҳолаш, шунингдек хосиланинг шакли, унинг ўлчамлари ва бир вақтнинг ўзида атрофидаги тўқималарни баҳолаш учун ўтказилди.

**Тадқиқотнинг иммуногистокимёвий усуллари.** Молекуляр генетик тадқиқотларда аниқланган турли оқсилларнинг экспрессия даражаси ҳавфли ўсманинг биологик хусусиятини янада тўлиқ тавсифлайди, у



иммунгистакимёвий реакцияларни баҳолаш мезонларига боғлиқ бўлади. Бизнинг тадқиқотларимизда иммуногистокимёвий таҳлил «ДАКО» фирмасининг моноклонал антителолари ёрдамида парафинга қуйилган, биопсия материаллари учун қўлланиладиган стандарт усул билан ўтказилган. Тўқималардаги mtp-53, Ki- 67 онкомаркерлар, эстероген ва прогестерон ( ЭР ва ПР), шунингдек CD3+, CD4+,CD8+,CD20+ ўрганилди.

Текширувларда олинган маълумотларга Microsoft Office Excel – 2010. – 2010 дастурий жамланмаси ёрдамида статистик ишлов берилди

Диссертациянинг «Сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликларида ижтимоий-иқтисодий омиллар ва клиник маълумотлар ўрнини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида бобида деб номланиб, 3 кичик бўлимдан ташкил топган ва унда сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган 90 нафар аёлларнинг архив маълумотлари ўрганилган.

Сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёллар орасида ижтимоий-иқтисодий маълумотлари тавсифи солиштирма таҳлили ўтказилган. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики, ижтимоий мавқеи бўйича барча гуруҳларда уй бекалари энг кўп эди (тегишли равишда 62,5%; 71,4% ва 66,7%). Оилавий аҳволига кўра кўпроқ аёллар оилали эди (тегишли равишда 90,6%; 75%; 86,7%). Текширувдан ўтказилган аёлларнинг гинекологик ҳолати ва репродуктив тизими патологияси тавсифи шуни кўрсатдики, ҳайз сиклининг кеч бошланиши I ва III гуруҳдаги аёлларда кузатилди. Ҳайз сикли доимийлигининг сезиларли ўзгаришлари II гуруҳдаги 32,1% аёлларда аниқланди. Бачадон миомаси I ва III гуруҳдаги аёлларда кўпроқ учради (тегишли равишда 21,9% ва 36,7%). Тухумдонлар кистаси кўпроқ текширувдан ўтказилганларнинг III гуруҳида 70,0% да учради.

Касалликнинг клиник белгиларидан: масталгия I гуруҳдаги 78,1% беморларда бор эди. Фиброаденома ташхиси бўлган беморлар кўпроқ ҳосила борлигидан шикоят қилишарди -53,5%. Учинчи гуруҳдаги беморларнинг шикоятлари кўпроқ оғриқ+ҳосиланинг мавжудлигидан эди -53,3%.

2-жадвалда тақдим этилган маълумотлар сут безларининг саратон олди ва саратон ҳолатларининг турли шакллари билан оғриган беморлар материалларини гистологик тавсифининг махсус ўзига хосликлари тўғрисида гувоҳлик беради. Демак, фиброаденомаларда патологик митозлар, шунингдек тўқима ва ҳужайра атипизми, кистозли ҳосилалар мавжуд бўлмайди. Энг яққол намоён бўлган ўзгариш маълумотлари C-г in situ ли беморларнинг гистологик материалларида мавжуд бўлди.

Сут беzi тўқимасининг текширувдан ўтказилган намуналарида фиброз-кистоз мастопатиянинг тугунли шаклида беморлар ёшининг ортиши билан эпителий гиперплазия даражаси ошиши ва унинг солид пролифератларининг шаклланиши, кисталар ҳосил бўлиши ва бўлакчалар ичи стромасининг фиброзланиши билан кечувчи сут беzi тўқимасининг морфологик ўзгаришлари ортиб боради. Аёлларда пременопауза даврида тўқиманинг атипик гиперплазияси репродуктив даврга нисбатан кўпроқ учрайди. Атипик гиперплазия касалликнинг прогностик жиҳатдан нохуш туридир, шу боис

пременопауза даврида аёллар маммолог шифокорида мунтазам назоратда бўлиб, касалликнинг олдини олиш учун барча мавжуд чораларни амалга оширишлари зарур.

## 2-жадвал.

### Сут безларининг саратон ва саратон олди хосилаларини гистологик баҳолаш мезонлари


Гистологик тавсиф	Фиброаденомалар	Фиброзли мастопатиянинг тугунли шакли	C-r in situ
Ўлчами	1,5-3,5 см	2,5-4,0 см	1,5-2,5 см
Контурлари (аниқ, ноаниқ, текис, фестончали, юлдузчасимон)	Аниқ	Ноаниқ	Ноаниқ
Ранги	Оқимтир-кулранг	Оқимтир -сарик	Оқимтир-кулранг
Консистенция	Зич-эластик	Зич-эластик	Зич-эластик
Киста ва киритмаларнинг мавжудлиги	йўқ	Иштирок этиши мумкин	Иштирок этиши мумкин
Тўқима атипизми	йўқ	Баъзида учрайди	Ўртача
Хужайра атипизми	йўқ	йўқ	Юқори
Патологик митозлар	йўқ	йўқ	мавжуд

Диссертациянинг «Сут беzi ўсма олди ва эрта ўсма касалликларида асосий молекуляр-биологик маркерлар экспрессиясининг ўзига хосликлари» деб номланган тўртинчи бобида бобида 3 та кичик бўлимдан иборат. Тадқиқотнинг ушбу босқичидан мақсад иммунгистокимё усули ёрдамида ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёлларнинг сут беzi тўқимаси намуналарида асосий молекуляр-биологик маркерлар экспрессиясини ўрганиш эди. Ўрганилаётган панелга пролиферация, апоптоз маркерлари, эстроген ва прогестерон рецепторлари, шунингдек CD3+, CD4+, CD8+, CD20+ каби лимфоцитлар дифференциацияси кластерлари киритилди.


Биринчи кичик бўлимда клиник онкологияда баҳоланиши жуда муҳим бўлган ЭР ва ПР гормонал рецепторларининг экспрессия даражаси ўрганилди.

Бир ёки икки манфий рецепторга эга беморлар кўпроқ фиброаденомада учраб, 78,5% ни ташкил этди. ФМТШ ва C-r in situ да бир ёки икки манфий рецепторга эга беморлар бир хил даражада (мос равишда 68,75% ва 70%). Иккала ЭР ва ПР маркерларининг манфий экспрессияси фиброз

мастопатиянинг тугунли шаклида 9,4% аёлларда фиброаденома ва C-r in situ бўлган (тегишли равишда 28,6% ва 20,0%) аёлларга қараганда камроқ учради.



1-расм. Б исмли бемор, 26 ёш. Тугунча шаклидаги фиброз-кистозли мастопатия. Сут беги хужайраларида CD20+ экспрессиясининг мусбат реакцияси. ИГХ. Катталаштириш  $10^x$ , об.20 $^x$



2-расм. К исмли бемор. Тугунча шаклидаги фиброз-кистозли мастопатия. Сут беги хужайраларида CD20+экспрессиясининг манфий реакцияси. ИГХ. Катталаштириш  $10^x$ , об.20 $^x$

Фиброз-кистоз мастопатия тугунли шакли (ФКМТШ) репродуктив ва пременопаузал ёшдаги аёлларда учрайдиган сут бегининг яхши сифатли патологиясидир. ФКМТШ ёмон сифатли жараён ривожланишида оралик босқич саналади. Эстрогенлар ва прогестерон мувозанатининг издан чиқиши аёл организмидаги ёш билан боғлиқ ўзгаришлар натижаси бўлиб, сут бегининг дисгормонал касалликларига олиб келиши мумкин.

3-жадвал.

**Сут беги ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёлларда эстрогенлар (ЭР) ва прогестерон (ПР) рецепторлари экспрессиясининг учраш даражаси**

Маркер/ экспрессия	Фиброз мастопатия тугунли шакли, n=32	Фиброаденомалар, n =28	C-r in situ n =30	P
ЭР+, ПР+	10/31,25%	6/21,4%	9/30,0%	P1-2 <0,05 P1-3 <0,10 P2-3 <0,05
ЭР+, ПР-	13/40,6%	6/21,4%	9/30,0%	P1-2 <0,01 P1-3 <0,05 P2-3 <0,05
ЭР-, ПР+	6/18,75%	8/28,6%	6/20,0%	P1-2 <0,05 P1-3 <1,0 P2-3 <0,10
ЭР-, ПР-	3/9,4%	8/28,6%	6/20,0%	P1-2 <0,01 P1-3 <0,01 P2-3 <0,10

Патологик қисмларнинг ИГК-реакцияси ёрдамида текширилиши натижасида шу аниқландики, ФКМТШ ва С-г in situ да ЭР экспрессияси фиброаденомали аёлларга нисбатан юқори эди.

Шундай қилиб, ўсманинг рецептор ҳолатини баҳолаш ўсма фенотипини аниқлашнинг муҳим мезонларидан биридир. Ўсмалар хужайраларидаги эстрогенлар, прогестерон рецепторларининг миқдори ва пролифератив фаоллиги ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Юқори пролифератив фаоллик кўпроқ бутунлай рецептор манфий ҳолатда кузатилади. Шу сабабли, ФКМТШ ва бутунлай рецептор манфий ёки бир манфий рецепторга эга аёлларни биз хавф гуруҳига киритдик ва бундай беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш зарур.

Иккинчи кичик бўлимда морфологик текширувлар имкониятларини сезиларли даражада оширувчи ва аниқ гистогенезни идентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган ва ўз навбатида шифокорга аниқ ташхис қўйиб, қўйилган ташхисга қараб даволаш тактикасини танлаш имконини берувчи ИГК текширувлари баён этилган (4-жадвалга қаранг).

**4-жадвал.**

**Сут беzi ўсма олди ва ўсма касалликлари бўлган аёлларда молекуляр-биологик маркерларнинг учраш даражаси ва экспрессияси**

Маркер/ экспрессия	Фиброз мастопатия тугунли шакли, n=32	Фиброаденом алар, n=28	C-r in situ n=30	P
Ki-67+	27/84,4%	8/28,6%	30/100,0%	P1-2 <0,05 P1-3 <0,10 P2-3 <0,05
Ki-67-	5/15,6%	20/71,4%	0	P1-2 <0,01 P1-3 <0,05 P2-3 <0,05
mtp 53+	0	0	15/50,0%	P1-2 <0,05 P1-3 <1,0 P2-3 <0,10
mtp 53-	32/100%	28/100%	15/50,0%	P1-2 <0,01 P1-3 <0,01 P2-3 <0,10

Фиброз мастопатия тугунли шаклида 12,5% аёлларда Ki-67 юқори пролифератив фаоллиги аниқланган, Ki-67 нинг ўртача экспрессияси эса 71,8% аёлларда кузатилган. C-r in situ бўлган 100% аёлларда ва 28,6% сут беzi фиброаденомаси бўлган беморларда Ki-67 нинг ўртача экспрессияси топилди, яъни бу аёлларда хужайралар пролифератив потенциалга эга бўлиб, қолган ҳолатларда эса ўсма хужайралари пролиферацияси нормал тўқималар даражасида эди. Ki-67 оксиленинг юқори ва ўртача экспрессиясига эга аёлларнинг ушбу гуруҳини динамик назоратда тутиш тавсия этилади.

Пролиферация маркери ҳисобланувчи Ki-67 антигенининг юқори ва ўртача экспрессияси пролифератив пул ҳажмини акс эттириб, бу эса сут безининг айрим патологияларида пролифератив жараёнлар устунлигини исботлайди. Шу асосда филлоид ва интраканаликуляр фиброаденомалар рецидивланиш ва малигнизатсияга мойил бўлади.

